# Qishloq hayoti

**2013 йил — Обод турмуш йили**

*Қишлоқ ҳаёти*

*O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi* www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 25-YANVAR, JUMA, 11 (8092)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




**Дастлаб Қуйи Чирчиқ туманидаги "Ҳумоюн-агро" фермер хўжалигининг 11 гектар сунъий ҳовузига сазан, оқ дўнгпешона ва оқ амур балиқлари ташланганди. Кейинчалик бу ерда чавоқлар етиштириш мақсадида 2 гектарли ҳовуз ажратилди. Айни пайтда ушбу ҳовузда 100 минг дона чавоқ етиштирилмоқда.**

2



**Жорий мавсумда фарғоналик миришкорлар 58 минг гектардан зиёд экин майдонининг шўрини ювишга аҳд қилишган. Бунинг учун тажрибали сувчилар жалб этилиб, кунига ўртача 2100 гектар майдонга яхоб берилмоқда.**

3



**Президентимиз ташаббуси билан бундан 10 йил олдин ташкил этилган Олий ҳарбий божхона институти Ватанга, бурчга содиқ, юртимиз чегаралари, давлатимиз хавфсизлигини таъминлаш ва мамлакат иқтисодий манфаатларини муносиб ҳимоя қилишга қодир профессионал кадрлар тайёрлашга ҳизмат қилмоқда.**

4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

## Куннинг муҳим воқеалари

► Марҳамат туманида мактабгача таълим муассасаларида хорижий тилларни ўргатиш самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Вилоятдаги мактабгача таълим муассасалари мудирлари, тарбиячилари, чет тиллар бўйича мутахассислар иштирок этган ушбу анжуманда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан белгиланган чора-тадбирлар атрофлича муҳокама этилди. Тадбир иштирокчилари тумандаги 22-мактабгача таълим муассасасида чет тилларни ўргатиш бўйича олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар.

**► Нукус шаҳрининг Таслақ маҳалласида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш маркази очилди. Марказда дўкон, тўйхона, сартарошхона, бозорча, дорихона фаолияти йўлга қўйилди. Маҳалла аҳлига 10 га яқин хизмат турларини кўрсатадиган ушбу марказнинг ишга туширилиши муносабати билан 20 киши муқим иш ўрнига эга бўлди.**

► Навоий вилояти ҳокимлигида вилоят хотин-қизлар қўмитасининг Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича доимий ишчи гуруҳи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда одам савдосидан жабрланганларни тиббий кўрикдан ўтказиш, бандлигини таъминлашда ички ишлар, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш идораларига яқиндан кўмаклашиш масалалари муҳокама этилди.

## Кузатувчи, назоратчи қанча кам бўлиб, ерда ишлайдиган одам қанча кўп бўлса,

# ИШ УНУМИ ШУНЧА ЮҚОРИ БЎЛАДИ











**Президентимиз Ислом Каримов 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида таъкидлаб ўтганидек, бугунги кунда фермер хўжалиги ҳақли равишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг етакчи бўғинига, уни ташкил этишнинг асосий шаклига айланди.**

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони фермерлик ҳаракати ривожида муҳим қадам бўлди.

Фармонга биноан Ўзбекистон Фермерлар кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар Фермерлар кенгашлари ташкил этилди. Кенгашлар қишлоқда ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий, агротехник ҳамда бошқа масалалар бўйича консалтинг хизматлари, шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш, харид қилиш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича фермер хўжаликлари кооперациясининг турли шаклларини ташкил этиш ва кенгайтиришга кўмаклашади.

Фармонда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришда ўзини ўзи бошқаришнинг демократик тамойилларга таянадиган таъсирчан тизимини ташкил қилиш масаласи асосий ўринни эгаллади.

Сирасини айтганда, фермерлик ҳаракати ривожланишнинг ойдин йўлида дадил одимламоқда. Бу жараёнда фермерлар ва улар раҳбарлик қилаётган хўжалик аъзоларининг меҳнатидан манфаатдорлиги ошиб бораётгани сифат ва самарадорликнинг ҳам юксалишига хизмат қилаётир.

*Тошкент вилояти фермерларининг эришаётган ютуқлари, ибратли тажрибалари ҳамда дил сўзлари, шунингдек, уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг фаолияти билан газетамизнинг 2-саҳифасида танишасиз.*

## Юксалиш одимлари

### Наманган Вилояти

## МУҚАДДАС БУРЧ МАСЪУЛИЯТИ

**Наманган вилояти ҳокимлигида "Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга ва сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақиришни амалга оширишнинг долзарб масалалари" мавзуида семинар бўлиб ўтди.**

Тадбир Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлашга бағишланди. Унда вилоят мудофаа ишлари бошқармаси ҳамда унинг шаҳар ва туман бўлимлари, жойлардаги ҳокимларнинг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши, мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг вилоят бўлими ходимлари ҳамда бошқа дахлдор ташкилот ва муассасаларнинг вакиллари иштирок этишди.

Семинарни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Й.Турсунбоев олиб борди. Семинар қатнашчилари кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан бир қатор маърузаларни тинглаб, ўзаро фикр алмашдилар.

Семинарда вилоят ҳокими Б.Юсупов иштирок этди.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ**

### Қорақалпоғистон Республикаси

## МОДЕРНИЗАЦИЯ САМАРАСИ

**"Берунийпахтатозалаш" корхонасида ишлаб чиқаришни янгилаш ва модернизация ишлари амалга оширилди.**

Янги замонавий ускуналар ўрнатилгани боис, сезиларли даражада ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Корхонада фермерлар томонидан етиштирилган 40 минг тонна пахтани қайта ишлаш имконияти юзага келиб, ҳар томонлама иқтисодий тежамкорликка эришилмоқда. Корхона қошида уруғлик чигитни дорилаш цехи фаолият олиб бормоқда.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ**

### Қашқадарё Вилояти

## КАСАНАЧИЛИК ЯНАДА КЕНГАЙМОҚДА

**"Қашқадарёпахтасаноат" ҳудудий бирлашмаси тизимидаги корхоналарда касаначиликни ривожлантириш орқали кўплаб янги иш ўринлари яратиляпти.**

Бирлашманинг "Чироқчипахтатозалаш" корхонаси қошида туман бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида касаначилик шуъба корхонаси ташкил этилди.

– Корхонамизда 16 нафар хотин-қизнинг касаначилик асосида иш билан бандлиги таъминланди, – дейди касаначилик шуъба корхонаси бошлиғи Шарофат Алибоева. – Аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, ҳозирги кунда тўн, гилам, кўрпа-кўрпача, иш кийимлари тайёрланмоқда.

Бирлашманинг бошқа корхоналарида ҳам бу борадаги ишлар таҳлил этилиб, касаначиликнинг янада кенг равнақ топишига алоҳида эътибор бериляпти.

**Ҳусан ТЕМИРОВ**

### Сирдарё Вилояти

## ЭЛ ДАСТУРХОНИГА ТУҲФА

**Тадбиркор Фахриддин Маманазаров бошлиқ "Юлдуз мевазор парранда" МЧЖ жамоаси 5 мингта товуқ парваришлаб, аҳоли дастурхонига кунига 3,5-4 мингта тухум тортиқ этмоқда.**

Яқинда жамият фаолияти янада кенгайди. Қўшимча 2 та цех ташкил этилиб, уларга 30 мингта "Ломанн браун классик" зотли жўжалар келтирилди. Замонавий ускуналар билан жиҳозланган корхонада ветеринария талаблари асосида парваришланаётган жўжалар март ойидан тухумга киради.

— Ёш жўжаларни боқиб парваришлаш катта маъсулият талаб этади, — дейди тадбиркор Фахриддин Маманазаров. — Уларни ҳар куни 4 маҳал озиқлантириш, вақти-вақти билан касалликларга қарши эмланиши, ветеринар кўригидан ўтказилиши, цехларда ҳарорат бир меъёрда бўлишини қатъий назорат қилиб борамиз.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ**

# ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

## ЖОЙЛАРДА БЎЛИБ ЎТАЁТГАН ФЕРМЕРЛАР КЕНГАШЛАРИНИНГ ЎҚУВ-СЕМИНАРЛАРИДА ЯНА БИР БОР НАМОЁН БЎЛМОҚДА

Андижон давлат университетида **Андижон ва Наманган вилоятлари** Фермерлар кенгашлари аъзолари учун ўқув-семинари ўтказилди. Унда тегишли идоралар вакиллари, олимлар, ҳуқуқшунослар ҳамда фермерлар иштирок этишди. Тадбирда фермерлик ҳаракатининг самаралари жонли мисолларда таҳлил этилди. Хусусан, Шаҳрихон туманидаги "Расул Д" чорвачилик йўналишидаги фермер хўжалиги тажрибасини олайлик. Бу ерда олти йил давомида жайдари сигирлардан воз кечилиб, зотли пода яратишга эришилди. Қорамоллар парваришида илғор технология жорий этилди. 2011 йилда эса, бу ерда сутни қайта ишлаш мажмуи фойдаланишга топширилди. Натижада йигирмадан зиёд мунтазам иш ўрни яратилди, 10 хилдан зиёд сут маҳсулотлари тайёрланмоқда. Ҳозирда худди шундай даражага эришган фермер хўжаликлари сони йигирмадан ошди.

Фермер хўжалиги қошида мева-сабзавотни қайта ишлаётган, тикувчилик ва трикотаж цехлари, маиший-савдо ҳамда сервис хизмати ташкил этган қишлоқ мулкдорлари сафи кун сайин кенгайиб бораётир. Иссиқхоналар тармоғини ривожлантириш бозорларда мўл-кўлчиликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Энди фаолият турини кўпайтиришга интилаётган фермерлар эса улардан тажриба ўрганишмоқда.

Фермерлар кенгашлари таклифи билан вилоятнинг ҳар бир тумани марказида алоҳида бозорчалар ташкил этиш масаласи кун тартибига қўйилди. Олтинкўл тумани ҳокимлиги биринчилардан бўлиб, ушбу таклифга амалий тарзда жавоб қайтарди. Бу ерда 60 та растага эга фермерлар бозори ташкил этилди. Пахтаобод туманида эса худди шундай бозор ташкил этиш учун ер майдони ажратилди ва қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

Ўқув-семинарда фаоллик, билим ва малакани янада ошириш, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш зарурлиги қайд этилди. Банк, молия, солиқ, лизинг, маркетинг, юқори технология ҳамда ресурслар тежамкорлиги, шунингдек, ўзаро кооперация масалалари фермер хўжалиги ривожида муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

* * *

Тошкент давлат аграр университетида **Тошкент ва Сирдарё вилоятлари** Фермерлар кенгашлари аъзолари учун ўқув-семинар бўлиб ўтмоқда.



Даврон Аҳмад олган сурат.

Тадбирда тегишли идоралар ходимлари, олимлар, ҳуқуқшунослар, фермерлар қатнашмоқда. Анжуманнинг очилишида фермерлик ҳаракатининг дастлабки самаралари таҳлил этилиб, фермерлар олдида турган муҳим вазифалар, хўжаликлар фаолиятида қўшимча тармоқларни ташкил этиш, шу орқали янги иш ўринлари яратиш, илғор технологиялар асосида қишлоқда ишлаб чиқариш корхоналари бунёд этиш борасида фикр юритилди.

Ўқув-семинарда Сирдарё вилоятидаги "Бувабой Раҳмат Файз" фермер хўжалиги раҳбари М.Раҳматов, "Миршамс" фермер хўжалиги раҳбари Н.Мирзаев, Тошкент вилоятидаги "Истиқлол" фермер хўжалиги раҳбари Г.Шукуровалар ўз фермер хўжаликларининг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш борасидаги тажрибалари ҳақида гапириб бердилар.

* * *

Қарши шаҳрида бўлиб ўтган **Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари** Фермерлар кенгашлари аъзоларининг ўқув-семинарида Қишлоқ ва сув хўжалиги, Адлия вазирликлари, Олий хўжалик суди, Давлат солиқ қўмитаси, Ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази, Консалтинг маслаҳат бериш маркази, Ахборот технологияларини ўрганиш марказининг раҳбар ва етакчи мутахассислари фермерлик фаолиятини янада тараққий эттириш мавзуида чиқиш қилдилар. Шунингдек, Қарши давлат университети, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали олимлари, Қашқадарё дон селекциялари илмий-тадқиқот институти профессор-ўқитувчилари ҳам қизиқарли мавзуларда маърузалар ўқидилар.

Ҳар икки вилоятдаги тажрибали фермерларнинг ибратли ишлари ўқув-семинар қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

**Мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.**

# КЕНГАШ ФЕРМЕРЛАРНИНГ ДИЛИДАГИ АЙНИ МУДДАО



**Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида аграр тармоқда амалга оширилаётган ислоҳотларга тўхталар экан, фермерлик ҳаракатининг, хусусан, янги ташкил этилган Фермерлар кенгашларининг асосий вазифаларини ҳам белгилаб бердилар.**

■ **Тўлқин ТЎРАЕВ,**
*Тошкент вилояти Фермерлар кенгаши раиси.*

Дарҳақиқат, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида фермер хўжаликларининг ташкил этилиши қишлоқдаги кўплаб муаммоларни ҳал қилишга ёрдам берди. Айни пайтда фермер хўжаликлари қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини барпо этишда, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишда масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ижтимоий-сиёсий кучга айланмоқда. Юртбошимизнинг "Фермер бой бўлса, мамлакат обод бўлади" деган сўзлари замирида ҳам ана шундай ҳақиқат мужассам.

Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш борасида вилоятимизнинг барча туманларида конференция йиғилишлари ўтказилиб, кўп йиллик тажрибага эга бўлган фермер хўжаликлари раҳбарлари кенгашга раис этиб сайландилар.

Фермерлар кенгашлари тўлақонли фаолият юритиши учун алоҳида бино, транспорт воситалари, компьютер ва бошқа жиҳозлар билан таъминландилар.

Фермерлар кенгаши фаолиятини ривожлантириш ҳамда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил қилиш борасида вилоят бўйича кенгайтирилган йиғилиш ўтказилиб, Фармонда белгиланган барча масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Барча туман Фермерлар кенгашлари 2013 йилга мўлжалланган иш-режаларини ишлаб чиқиб, тасдиқладилар. Шунингдек, "Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил қилиш бўйича чора-тадбирлар Дастури" ишлаб чиқилди ва ҳозирги кунда унга асосан ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Фермерлар кенгашининг конференциясида "Фермерлар кенгашларини ташкил этиш бу навбатдаги ислоҳот эмас, балки бошқарувдаги ислоҳотдир" деган яхши фикр айтилди. Шунга кўра, туман кенгашлари фермер хўжаликларига ер бериш, ер олиш ва фермер хўжаликлари билан тайёрловчи ва таъминотчи ташкилотлар ўртасида адолатли шартномалар тузиш ва кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил қилишда фаол иштирок этмоқда.

> *Фермерлар кенгашлари фермерлик ҳаракатининг ўзаги, йўналтирувчи кучи бўлиши, уни қишлоқни ривожлантириш ва шу аснода қишлоқ аҳолиси фаровонлигини оширишда масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир қудратли ижтимоий-сиёсий кучга айлантириши лозим.*
> **Ислом КАРИМОВ**

Деҳқон бозорларидаги нарх-навони камайтириш ва рақобатни юзага келтириш мақсадида бозорларда туман Фермерлар кенгашига қарашли савдо расталарини ташкил этишга киришдик.

Шунингдек, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш дастурига асосан жорий йилда вилоятда 2196 та кўп тармоқли фермер хўжаликларида 12 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилади. Қабул қилинган Дастур ижросини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш борасида замонавий технологияларни олиб келиш бўйича шартномалар тузиш, уларни сотиб олиш учун молиявий манбаларини шакллантириш устида иш олиб борилипти.

Жумладан, бугунги кунда 33 та фермер хўжалигида сервис хизматлари, 36 та фермер хўжалигида қорамолчилик, 11 та фермер хўжалигида паррандачилик тармоқларини ривожлантириш бўйича ҳужжатлар тайёрланди.

Қиш фасли — иш фасли, деганларидек, фермер хўжаликлари шароитидан келиб чиқиб, белгиланган агротехник тадбирлар асосида кузги-қишки даврда хандақ қазиш, маҳаллий ўғит чиқариш, ғалла майдонлари пайҳонига қарши четан билан ўраш, озиқлантириш ва ариқ-зовурларни тозалаш, боғ ва токзорларда кенг кўламли ишларни олиб боришяпти.

Қисқаси, Фермерлар кенгашлари фермер хўжаликларининг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш ва соҳага қайта ишлашни самарали татбиқ этиш, фермер хўжаликлари кооперациясининг турли шаклларини ташкил этиш учун енг шимариб ишга киришдилар.

## ЭЪТИРОФ

### ЗИММАМИЗДА ТАЪМИНОТ МАСЪУЛИЯТИ

Мулоҳазаларимни мисол билан бошламоқчиман. Ўтган йили ғалла ўрими қизғин авж олган кунлар. Эрталаб бизнинг кўчма ёнилғикашдан керакли маҳсулотни қуйиб, Ўрта Чирчиқ туманидаги "Абдурашидов Азизбек" фермер хўжалиги ғаллазорларида ўримга киришган 2 та комбайн тушга қадар 22 гектар ердаги донни ўриб саранжомлашга эришди. Ҳосилдорлик гектаридан 50 центнерни ташкил этди.




"Техникаларнинг унумли ишлашини таъминлаганликларингиз учун хизматингиздан миннатдорман", деди ўшанда фермер Зафар Усмонов хурсандчилигини баён қилар экан.

Бу биргина ғаллакорнинг холис эътирофи. Минг шукрки, бизга бундай миннатдорчилик билдирадиган фермерлар йил давомида жуда кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг хурсандчилиги ишчи-хизматчиларимизга бажараётган юмушларида завқ бағишлайди. Чунки корхонамиз жамоаси зиммасига вилоятимиз фермерлари ихтиёридаги техникаларга йил давомида узлуксиз равишда энг зарур манба – ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини етказиб беришдек масъулиятли вазифа юклатилган. Биз ҳамкорларимиз бўлган фермерларга сифатли хизмат кўрсатишга эришиб келаётганимиздан хурсандмиз. Уларнинг ўтган йилги ғалла ва пахта бўйича эришган муваффақиятларида озми-кўпми ҳиссамиз борлиги кайфиятимизни кўтаради. Мавсумда фермерлар иш самарадорлигини ошириш мақсадида ёнилғи-мойлаш таъминотига корхонамиз томонидан 316 нафар киши жалб этилади. Ушбу долзарб жараёнга 70 та кўчма ёнилғи ташиш транспорти 70 дан зиёд ҳайдовчи бириктирилди. Ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини узлуксиз етказиб бериш бўйича олдиндан етарлича захира ҳозирланади. Бу борада кўчма ёнилғикаш ҳайдовчиларидан Ҳабибулло Мўминов, Шуҳрат Йўлчиев ҳамда Фариддин Мирзаумировлар алоҳида пешқадамлик кўрсатдилар.

**Фариддин МАМАДАЛИЕВ,**
**"Кучлик нефть базаси" унитар корхонаси АЁҚШлар бўлими бошлиғи.**




## ҚИШЛОҚДА ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИКНИ ТАЪМИНЛОВЧИ КУЧ

## БАЛИҚЧИЛИК

### ДАСТУРХОН ТЎКИНЛИГИ ЙЎЛИДА

**Президентимизнинг "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони биз фермерлар ҳаётида катта аҳамиятга эга дастуриламал бўлмоқда. Шижоат билан ишлашга, қишлоғимизнинг, юртимизнинг гуллаб-яшнашига, дастурхонларимиз тўкинлиги йўлида астойдил меҳнат қилишга ундамоқда.**

Бундан тўрт йил илгари балиқчилик хўжалигини ташкил этгандик. Дастлаб ишни 11 гектар сунъий ҳовуз ташкил этишдан бошладик. Ҳовузимизга сазан, оқ дўнгпешона ва оқ амур балиқларини ташладик. Кейинги йили чавоқларни ўзимизда етиштириш мақсадида 2 гектарли ҳовузни ажратдик. Айни пайтда ушбу ҳовузда 100 минг дона чавоқ етиштириб, маълум миқдорини ўзимиз боқиш учун олиб қолиб, қолганларини янги ташкил этилаётган балиқчилик хўжаликларига сотяпмиз.

Шу билан бирга, ҳовузимиздаги етилган балиқларни аҳолига сотиш учун савдо шохобчаларига олиб чиқамиз. Биз асосан Дўстобод, Чилонзор ва Тошкент шаҳридаги бошқа бозорлардаги савдо ярмаркаларида аҳолига хизмат кўрсатамиз. 2011 йил савдо ярмаркаларида 9,5 тонна, 2012 йил эса 10,8 тонна балиқ сотишга эришдик. Мақсадимиз тармоқни янада ривожлантириб, элимиз дастурхони тўкинлигига хизмат қилишдир.

**Қобул МАТЕНОВ,**
**Қуйи Чирчиқ туманидаги "Хумоюн-агро" фермер хўжалиги раҳбари.**

### БОҒНИ БОҚИБ БОЙ БЎЛДИК

*Мамлакатимизда боғ-роғларни ҳам катта даромад манбаига айлантириш кенг қулоч ёйди. Бугун юртимизнинг қай бир жойига борманг, бу борада амалга оширилаётган ижобий ишларнинг гувоҳи бўласиз.*



Бу борада Президентимизнинг 2006 йил 9 январда қабул қилган "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони биз боғбонларга дастуриламал бўлмоқда.

Биз ҳам яхши ниятлар билан 2010 йили биринчилардан бўлиб 9,5 гектар майдонга Польша селекциясига мансуб олма, гилос, нок кўчатларини олиб келиб эккандик. Интенсив боғимиз биринчи йилидаёқ нишона кўрсатди. Кейинги йиллардан кўчатларимиз қийғос гуллаб, ҳосилга кирди. Пишиб етилган меваларни пойтахтимиз бозорларига олиб чиқиб сотдик. Сараланганларини сақлаб, қишда мевалар тақчил бўлган пайтда аҳолига етказиб бердик.

Боғдорчилик юмушларида ўғилларим Фахриддин, Баҳриддин, Камолиддин, Ҳасанбойлар яқин кўмакдошларим. Биз кўчатчилик билан ҳам шуғулланиб, юртимиз боғбонларига сара, серҳосил навли мева ва гул кўчатларини ҳам етказиб беряпмиз.

Шуниси қувонарлики, хўжалигимиздаги ишлар кўпчилик эътиборига тушди. Туман ва вилоят, ҳатто республика миқёсида боғдорчиликка оид йиғилиш ва семинарлар айнан бизнинг фермер хўжалигимизда ўтказилиб, янги ташкил этилаётган боғдорчилик хўжаликларига йўл-йўриқ, маслаҳатлар беряпмиз.

Мамлакатимизда йилдан-йилга ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ортиб, юртимиз боғ-роғларга бурканаётганлигини кўриб кўзим қувнайди.

**Захриддин САЙФУТДИНОВ,**
**Янгийўл туманидаги "Миришкор Сайфиддинова Хонзода" фермер хўжалиги раҳбари.**

### ҚИШДА ҲАМ САРХИЛ МАҲСУЛОТЛАР

***Маълумки, боғ ва далаларимиздан йиғиб-териб олинаётган мева-сабзавотларни сифатли сақлаш муҳим аҳамиятга эга. Вилоятда бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

Хусусан, мавжуд замонавий совитиш камераларидан самарали фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилмоқда, янгиларини қуриш, эскиларини реконструкция қилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелда қабул қилинган "2011-2015 йиллар даврида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ, вилоятда ўтган даврда кўплаб совитиш камералари ишга туширилди. Бундай совитиш камераларидан самарали фойдаланиб келаётган фермерларнинг айтишича, уларда сақланган маҳсулотнинг сифати бузилмайди, мева-сабзавот таркибидаги витаминлар йўқолмайди.

Сирасини айтганда, қиш-баҳор ойларида ҳам аҳоли дастурхонини сархил маҳсулотлар билан тўлдириш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бераётир.

## ҒАЛЛАЧИЛИК

### МУВАФФАҚИЯТЛАРИМИЗ ОМИЛИ МЕҲНАТИМИЗ ЭЪТИРОФИДА

**Ўтган мавсумда вилоятдаги кўплаб фермерлар ризқ-рўзимиз манбаи бўлган ғалла хирмонининг юксалишига салмоқли ҳисса қўшдилар. Уларнинг фидокорона меҳнатлари Президентимизнинг республика ғаллакорларига йўллаган табригида ҳам ўз эътирофини топди. Хусусан, табрикда Қуйи Чирчиқ туманидаги "Акбархон-Баҳодирхон" фермер хўжалигининг номи юртимиздаги бир гуруҳ илғор фермерлар қаторида санаб ўтилганлиги ушбу жамоа меҳнатига берилган юксак баҳо бўлди.**

Юртбошимиз томонидан камтарона меҳнатимизнинг алоҳида эътироф этилганлиги фермер хўжалигимиз аъзоларини беҳад руҳлантириб юборди. Мазкур баҳога, аввало, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, фермерлик ҳаракатининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги, қолаверса, қишлоқ мулкдорларининг эмин-эркин меҳнат қилишлари учун етарлича шароитлар яратиб берилаётганлиги туфайли эришдик, десак асло муболаға бўлмайди. Ўтган йилда 81 гектар майдонда ҳудудимизнинг иқлим шароитига мос бўлган ғалланинг "Замин" ва "Андижон-4" навларини экиб парваришлаган эдик. Қилган саъй-ҳаракатларимиз, уруғликни тўғри танлай олганимиз эрта баҳордаёқ экинлар ривожида яққол кўзга ташланди. Табиий қийинчиликларга қарамай агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширдик. Минерал ва маҳаллий ўғит билан озиқлантириш, бу борада суспензия қўллаш ҳамда қатор ораларига "шарбат" оқизиш мўл ҳосил тўплаш имконини берди. Натижада ялпи майдонлардан 640 тонна сара дон йиғиштириб олдик. Ўртача ҳосилдорлик ҳар гектар майдонга 80 центнердан тўғри келди. Ғалланинг 60 фоиздан зиёди хўжалигимиз ихтиёрида қолди. Ҳисоб-китобларимиз мавсум якунида 150 миллион сўм соф фойда қилганлигимизни кўрсатди. Ушбу натижалар ўзимизга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлади. Келажакда ғаллачиликда бундан ҳам юқори кўрсаткичларга эришишни ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйдик.

**Баҳодирхон АҲМЕДОВ,**
**Қуйи Чирчиқ туманидаги "Акбархон-Баҳодирхон" фермер хўжалиги раҳбари.**

## ИНФРАТУЗИЛМА

### «ҚИШЛОҚХЎЖАЛИККИМЁ»: ХИЗМАТГА МУНТАЗИРМИЗ




**Экин экилгандан ҳосил йиғиб-териб олингунга қадар деҳқонларга агрокимёвий хизмат кўрсатиб келамиз. Уруғни зараркунандалардан ҳимоялаш мақсадида дорилаб экиш, униб чиқиши учун бир йўла дастлабки қувват сифатида озиқлантириб кетиш, сўнг ўсишини тезлатиш учун яна тўйинтириш, илдизи ва барги орқали "боқиш" ҳашаротлардан сақлаш каби тадбирлар шулар жумласидандир.**

Туманимизда ҳар йили барча қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиб келинаётганини агрокимёвий тадбирларнинг ўз вақтида ва меъёрида амалга оширилаётганида деб биламиз. Ўтган йили ҳам ғалла ва пахта ҳосилини турли зараркунанда ҳамда касалликлардан сақлашга жиддий эътибор қаратдик. Ниҳоллар суспензия эритмаси, "шарбат" усулида суғорилиб озиқлантирилди. Ғўза баргини сунъий тўктиришга йиғим-терим арафасида ҳар жиҳатдан пухта ҳозирлик кўрилганлиги туфайли 10 минг 500 гектар майдонда ўз вақтида муваффақиятли амалга оширилди. Тадбирда 41 та ОВХ механизмлари иштирок этди. Ҳар бир агрегат ёрдамида кунига 25-30 гектар майдонга сифатли ишлов берилди. Бу борада 13 та отряд намунали иш олиб борди. Сирожиддин Тоиров, Тўлқин Қосимов, Сайфиддин Усмонов ҳамда Илҳом Алматов сингари механизаторларимизнинг фаолликлари алоҳида эътироф этилди. Натижада туманимизнинг аксарият фермерлари пахтачиликда юксак натижаларга эришдилар. Хусусан, "Қизларгул она", "Маҳмудов Аҳмаджон" ҳамда "Дурдона" фермер хўжаликлари нафақат туманда, балки вилоятда биринчилардан бўлиб шартнома режасини уддалашга муваффақ бўлдилар. Ушбу хўжаликлар ҳар гектар ердан 38-40 центнердан сифатли пахта ҳосили олишга эришдилар.

**Анвар ОРТИҚОВ,**
**Оққўрғон тумани "Қишлоқхўжаликкимё" корхонаси раҳбари.**

**Саҳифани Иброҳим ТОШЕВ, Аҳмаджон РИХСИБОЕВ ва Рашид ГАЛИЕВ (суратлар) тайёрлади.**

# ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ КЎЗГУСИ

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги фаоллигини янада юксалтириш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, саломатлиги ҳақида ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш, опа-сингилларимиз учун муносиб турмуш, меҳнат шароитларини яратиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. 25 январь куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон хотин-қизларининг республика конференциясида бу йўналишдаги ишларни янгича асосда ривожлантириш ҳақида атрофлича фикр юритилади.***

***Анжуман иштирокчилари 24 январь куни Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Пойтахтимизда истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишдилар. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан барпо этилган “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройи, “Маърифат маркази” мажмуи ва Алишер Навоий кўчасида бунёд этилган кўп қаватли замонавий уйларни бориб кўрдилар, Истиқлол маҳалласида амалга оширилаётган ибратли ишлар билан танишдилар.***

***Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбирлари конференция қатнашчиларининг айримлари билан суҳбатлашди.***

**Насиба НУРОВА,**
**Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги “Элдорбек Аброржон Луқмонович” фермер хўжалиги раҳбари, “Йил аёли – 2012” анъанавий миллий танлови ғолиби:**

– Бугун мамлакатимиз хотин-қизлари, айниқса, чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган аёлларга ҳар жиҳатдан эътибор ва ҳурмат кўрсатиш, қишлоқ аёлининг оғирини енгил қилиш, опа-сингилларимизнинг тадбиркорлик, фермерликка оид ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан “Обод турмуш йили” деб эълон қилинган жорий йилда бу йўналишдаги ишлар ҳажми тобора ортаётгани биз, аёлларни ғоят қувонтиради.

Пойтахтимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишларининг кўлами, мазмун-моҳияти ва аҳамияти бекиёс. “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройи, “Маърифат маркази”, Навоий кўчасида бунёд этилган замонавий уйлар билан танишиб, Ватанимиз билан фахрланиш туйғуларимиз янада ошди. Буларнинг барчаси Президентимиз раҳнамолигида халқимиз фаровонлигини янада ошириш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, оилаларни мустаҳкамлаш, хотин-қизларни эъзозлаш борасида амалга оширилаётган изчил ишларнинг амалдаги самараларидир.

**Солиҳа ЮСУПОВА,**
**Тошкент шаҳридаги “Иффатли келин” ўқув маркази раҳбари:**

– Мамлакатимизда, айниқса, пойтахтимизда олиб борилаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишларининг кўлами шу қадар кенг, суръати шу даражада тезки, шу шаҳарда яшаб туриб, гоҳида уни танимай қоламиз. Навоий кўчасида ғоят қисқа вақт ичида қад ростлаган янги иморатлар ушбу ҳудуд қиёфасини тамомила ўзгартириб юборди. Илгари бу ер тартибсиз дўконлар, унинг орқасида ташландиқ ерлар бўларди. Бугун эса тамомила бошқача – обод масканга айланди. Дўконларни айтмайсизми?! Кенг ва ёруғ. Маҳсулотларнинг тури кўплигидан кўз қувнайди. Уларнинг аксарияти ўзимизда ишлаб чиқарилган. Ўзимизнинг телевизор, кир ювиш машинаси, музлаткич, мебель, кийим-кечак... Буни ҳақиқий замонавий савдо мажмуаси, деса бўлади. Буларнинг бари мустақиллик туфайлидир.

**Роҳатой ҚОРАБОЕВА,**
**Фарғона вилояти ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери маркази раҳбари:**

– Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам аёллар илм-фаннинг турли йўналишлари, жумладан, инновацион технологиялар соҳасида самарали меҳнат қилмоқда. Марказимиз ходималарининг мева-сабзавотларнинг янги, серҳосил навларини яратиш, тупроқшунослик, экология, нефтни қайта ишлаш каби йўналишлардаги илмий изланишлари амалиётга кенг татбиқ этилмоқда.

Пойтахтимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишларини таърифлашга сўз ожиз. Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган Симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонани ўз ичига олган “Маърифат маркази” мажмуи унутилмас таассурот қолдирди. Мазкур мажмуа мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, маданият ва маърифатни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътиборнинг амалдаги ифодасидир.

**Галина ЦОЙ,**
**Андижон вилояти Бўз туманидаги 26-ихтисослаштирилган мактаб-интернат директори:**

– Мен Ўзбекистонда туғилиб камолга етдим. Таълим тизимида қарийб ўттиз йилдан буён фаолият юритиб келмоқдаман. Мен ўзимни бахтли аёл деб ҳисоблайман. Боиси, Ўзбекистондек тинч-осойишта юртим, оилам, севган касбим бор. Шу касб орқали юртимга, халқимга хизмат қилмоқдаман. Оиламизда ҳамма ўзбек тилини яхши билади. Юртимизда барча миллатлар ва элатлар ўзаро ҳамжиҳатликда ҳаёт кечириши, ўзлигини намоён этиши, миллий анъаналарини асраши учун яратилган кенг қамровли имкониятлар туфайли ана шундай фаровон турмушга эришмоқдамиз.

Пойтахтимизда бунёд этилган муҳташам саройлар, замонавий турар-жойлар, таълим муассасалари билан танишар эканман, менда Ватанимиз, халқимиз билан фахрланиш туйғулари янада жўш урди.

**Гулора АЛИМАТОВА,**
**Термиз давлат университети маънавият асослари ва ҳуқуқ кафедраси доценти:**

– Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган улкан, ҳақиқатан ҳам тарихий ишларга гувоҳ бўлдик. Бугун Тошкент нафақат Ўзбекистонимиз, балки дунёдаги энг чиройли шаҳарлардан бирига айланди. Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида бунёд этилган ва Тошкентнинг ўзига хос рамзига айланган “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройи ўзининг муҳташамлиги ва бетакрорлиги билан етти иқлимдан келган меҳмонларнинг ҳайрат ва ҳавасини келтирмоқда. Бу халқимизга чексиз ғурур ва ифтихор бахш этмоқда.

Пойтахтимизнинг Бош майдонидаги Мустақиллик ва эзгулик монументи мамлакатимизда аёлга, оналарга ҳурмат-эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир.

**ЎзА мухбирлари**
**Назокат УСМОНОВА,**
**Баҳор ХИДИРОВА**
**ёзиб олди.**

Қашқадарё Вилояти

## КУН ТАРТИБИДА БАНДЛИК

**Шаҳрисабз туманида Обод турмуш йилида 13 мингдан зиёд янги иш ўрни яратиш кўзда тутилмоқда.**

Мустаҳкам оила йилида туманда аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига мувофиқ 11 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилганди. Янги иш ўринлари асосан кичик корхоналар ва микрофирмалар тузиш, хусусий ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига яратилди.

## ЗАМОНАВИЙ ОШХОНА БИНОСИ

**Китоб тумани марказида замонавий ошхона биноси фойдаланишга топширилди.**

Уни тумандаги “Ҳайит ота” хусусий фирмаси жамоаси бунёд этди. Икки қаватли замонавий бино қурилишига 550 миллион сўм маблағ сарфланди. Барча қулайликларга эга ушбу ошхонада олти нафар киши иш билан таъминланди.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Фарғона Вилояти

МЕЛИОРАЦИЯ

## ЕРНИНГ ШЎРИ ҚОЧСА, ҲОСИЛ ЧЎҒИ ОШАДИ

**“Норин–Фарғона” ирригация тизими Ёзёвон бўлими бошлиғи Араббой Фозилов билан тумандаги “Боқий” фермер хўжалигида учрашдик. У хўжаликнинг оби-тобида шудгорланган, техника ва механизмлар ёрдамида сифатли текисланган экин майдонларини кўздан кечираётган экан.**



Фермер хўжалигининг тажрибали сувчилари Қобилжон Худойберганов, Аҳаджон Обидов, Достонбек Ёқубжонов ва бошқалар ўзларига топширилган вазифани сифатли бажаришмоқда. Улар учун муҳим иш шароити яратиб берилганлиги меҳнатга бўлган муносабатларидан аён бўлиб турибди.

– Туманимиз бўйича 2012-2013 йиллар куз-қиш мавсумида 3700 гектар экин майдонида шўр ювиш ишларини олиб бориш режалаштирилган, – дейди Араббой Фозилов. – Бу тадбирга пухта ҳозирлик кўрилди. Аввало, фермер хўжаликларининг экин майдонлари ҳолати ўрганилиб, ерларнинг шўрланиш даражаси таҳлил қилинди. Натижада, пахта ва ғаллачилик йўналишида фаолият кўрсатаётган 217 та фермер хўжалиги экин майдонларида шўр ювиш ишлари белгиланиб, бу муҳим агротехник тадбирни тез ва сифатли ўтказиш чора-тадбирлари кўрилди. Шу кунгача асосий экин майдонларининг шўри ювиб бўлинди. Бу муҳим агротехник тадбирни амалга оширишга 950 нафардан ортиқ сувчи ҳамда тажрибали ирригаторлар жалб этилди.

Президентимизнинг “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида қабул қилинган бир қатор ҳужжатлар ижроси юзасидан вилоятда қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2008–2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури талабларидан келиб чиқилган ҳолда ўтган давр мобайнида жами 7374,4 километр узунликдаги очиқ зовур тармоқларини тозалаш ва реконструкция қилиш, 16 дона мелиоратив насос станциясини қуриш, тўрт жойда мелиоратив насос станциясини реконструкция қилиш, 64 та тик зах қочириш қудуғи қуриш, 215 та тик зах қочириш қудуғини реконструкция қилиш, 3293 та тик зах қочириш қудуғини таъмирлаш, тиклаш ишлари амалга оширилди. Мазкур ишларни бажариш учун жами 55,83 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Бундан ташқари, кейинги тўрт йил ичида 16 та мелиоратив насос станцияси ҳамда 64 та тик қудуқ бунёд этилди. Вилоят ирригатор ҳамда мелиораторларининг ҳамжиҳатликдаги меҳнатлари натижасида 13950 гектар майдонда вегетация мавсумида сув танқислигининг олди олинди. Белгиланган чора-тадбирлар ижроси натижасида зовур тармоқлари созланиб, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди ва ҳосилдорлик ошишига эришилди.

Сирасини айтганда, жорий мавсумда фарғоналик миришкорлар, 58 минг гектардан зиёд экин майдонининг шўрини ювишга аҳд қилишган. Бунинг учун тажрибали сувчилар жалб этилиб, кунига ўртача 2100 гектар майдонга яхоб берилмоқда.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

○ Эълонлар

БАРЧА ТУРДАГИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ЖАМҒАРМАСИНИ БОШҚАРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**ЛОТ 13-5:**

**Лот-1 Тошкент вилояти Бекобод туманидаги мелиоратив вертикал дренаж қудуқларни реконструкция қилиш (8 дона).**

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи **501 446 808 сўм,** ишларнинг тугалланиш муддати **6 ой.**

**Лот-2 Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги “Хатчали” коллекторини реконструкция қилиш.**

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи **269 961 302 сўм,** ишларнинг тугалланиш муддати **9 ой.**

**Лот-3 Сирдарё вилояти Сирдарё тумани “Малек”, “Каримов”, “Хамза”, “Янги-ҳаёт” ва “Сирдарё” СИУ ҳудудларида коллекторлар қуриш.**

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи **97 516 210 сўм,** ишларнинг тугалланиш муддати **4 ой.**

**Лот-4 Навоий вилояти туманларида кузатув қудуқларини қуриш (150 дона).**

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи **205 032 986 сўм,** ишларнинг тугалланиш муддати **9 ой.**

**Лот-5 Бухоро вилояти туманларида кузатув қудуқларини қуриш(150 дона).**

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи **201 678 684 сўм,** ишларнинг тугалланиш муддати **9 ой.**

**Диққат!** *Қиймати 500 000 000,0 сўмгача бўлган объектлар бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.*

**Қурилиш ишларини молиялаштириш** Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Буюртмачи:** Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти.

**Буюртмачи манзили:** Тошкент шаҳри, Истиқлол кўчаси 29 уй. Тел: 239-15-56.

**Савдо ташкилотчиси:** Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг маркази.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак:** улар танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида иштирок этувчи маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий пудратчиларга қуйидаги баҳолаш имтиёзлари кўзда тутилади: иштирокчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган импорт қилувчилар, импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш)даги тендер таклифлари иштирокчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатилган солиқ суммасини қўшган ҳолда ҳисобланади.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси – **Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 18 уй, 308-311 хоналар. тел:241-15-26, 241-15-32, факс: 241-15-37.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 150 000 (бир юз эллик минг) сўм.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати офёрталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари, эълон матбуотда чоп этилгандан кейин 15 кундан сўнг юқоридаги манзилда ўтказилади.

*Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БУХОРО ВИЛОЯТИ БОШ БОШҚАРМАСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**“Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бухоро вилояти Бош бошқармаси маъмурий биносини мукаммал таъмирлаш”**

Буюртмачининг бошланғич қиймати – **1 824 233 534 сўм (ҚҚС билан), 1 520 194 612 сўм (ҚҚСсиз).**

Қурилиш муддати – **8 ой.**

**Қурилиш ишлари** буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

**Танлов савдоси ташкилотчиси** – Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

**Буюртмачи:** Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бухоро вилояти Бош бошқармаси.

**Манзили:** Бухоро шаҳри Мустақиллик кўчаси 28/1 -уй. Телефон/факс: (8-365) 223-85-56, 223-87-50.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси – **Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Бухоро шаҳри Навоий шоҳ кўчаси 5-уй 18-хона. Тел/факс: (8-365) 223-96-29, 223-97-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати – Юз минг сўм.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — офёрталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри Навоий шоҳ кўчаси 5-уй 18-хона.

## «KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**I. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Фарғона вилояти Қўқон шаҳар ҳокимининг 2013 йил 9 январдаги №09/1-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи такрорий танловга қўйилмоқда:**

**1.** Аквапарк қуриш учун Қўқон шаҳар Фурқат кўчаси “Ёшлар боғи” 3-зона ҳудудида жойлашган 1 дона умумий майдони 15 860 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 9 376 115 сўм.

**2.** Ёпиқ турдаги спорт зал қуриш учун Қўқон шаҳар Фурқат кўчаси “Ёшлар боғи” 3-зона ҳудудида жойлашган 1 дона умумий майдони 2 500 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 477 950 сўм.

**3.** Теннис корти қуриш учун Қўқон шаҳар Фурқат кўчаси “Ёшлар боғи” 3-зона ҳудудида жойлашган 1 дона умумий майдони 6 350 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 3 753 993 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Қўқон шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2013 йил 11 февраль куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Қўқон шаҳар ҳокимлиги биносида 2013 йил 12 февраль куни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 12 февраль куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

**II. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Фарғона вилояти Данғара тумани ҳокимининг 2012 йил 20 декабрдаги №91-Ф-сонли ва 2012 йил 11 декабрдаги №89-Ф-сонли фармойишларига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:**

**1.** Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун Данғара тумани Данғара ШФЙ Пишқарон МФЙ Мустақиллик кўчаси 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона умумий майдони 400 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 832 800 сўм.

**2.** Иссиқхона қуриш учун Данғара тумани Оқжар ҚФЙ Катта Турк қишлоғи 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона умумий майдони 400 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 146 040 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Данғара тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2013 йил 28 февраль куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Данғара тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 1 март куни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 1 март куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

**III. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Фарғона вилояти Учкўприк тумани ҳокимининг 2012 йил 29 декабрдаги №88-Ф-сонли фармойишига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:**

**1.** Савдо ва маиший хизмат объектлари қуриш учун Учкўприк тумани Полохон ҚФЙ Юлғунзор қишлоғи 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона умумий майдони 2 000 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 690 000 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Учкўприк тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2013 йил 28 февраль куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Учкўприк тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 1 март куни соат 15:00 да очилади, 2013 йил 1 март куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

**IV. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Фарғона вилояти Фарғона шаҳар ҳокимининг 2012 йил 25 сентябрдаги №231-Ф-сонли фармойишига ҳамда 2012 йил 26 июлдаги №174-Ф-сонли фармойишига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:**

**1.** Минифутбол майдончалари ва унинг таркибида ювиниш-ечиниш хоналари, дам олиш ва умумий овқатланиш шохобчалари қуриш учун Фарғона шаҳар Қувасой кўчаси 3-сонли футболга ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернати ёни 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона умумий майдони 1 650 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 137 097 сўм.

**2.** Болалар майдончаси, тиббий марказ, бассейн ва ёрдамчи хоналар қуриш учун Фарғона шаҳар Ал-Фарғоний кўчаси 85-уй олдида, 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона умумий майдони 1 056 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 727 742 сўм.

**3.** Савдо, маиший хизмат кўрсатиш комплекси қуриш учун Фарғона шаҳар Беҳбудий кўчаси 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона умумий майдони 400 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 245 592 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Фарғона шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2013 йил 27 февраль куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Фарғона шаҳар ҳокимлиги биносида 2013 йил 28 февраль куни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 28 февраль куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини “Халқ банки” Фарғона вилояти филиали, амалиёт бўлимидаги: МФО 00497, СТИР 207122519, 20208000004920609011 ҳ/р га тўлашлари шарт.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисидаги шартнома тузилган кундан бошлаб 12 ой муддатда амалга оширишлари лозим.

**Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:**

*- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*- танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;*

*- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.*

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили:** Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Б.Марғиноний кўчаси 35-уй, “Биржа маркази” биноси. Тел/факс: (8-373) 224-68-69, rieltsavdo@inbox.uz. **Лицензия** RR 0001. www.1kms.uz.

26 ЯНВАРЬ – ХАЛҚАРО БОЖХОНАЧИЛАР КУНИ

# ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙИБ, ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК ТАЪМИНЛАНМОҚДА










26 январь – божхона ҳамкорлиги кенгаши (ҳозирги Жаҳон божхона ташкилоти)нинг 1993 йил 25 январдаги қарорига асосан Халқаро божхоначилар куни сифатида дунё бўйлаб кенг нишонланади. Маълумки, ушбу ташкилотнинг тарихи 1947 йилга бориб тақалади. Дастлаб Европанинг 13 та давлатини ўзида бирлаштирган ва Ишчи гуруҳ тарзида фаолиятини бошлаган мазкур бирлашма 1950 йилда Кенгаш тарзида фаолият олиб бориш учун ўз Конвенциясини имзолади. 1952 йилга келиб мазкур Конвенция кучга киритилди. 1953 йилнинг 26 январида Кенгашнинг Инаугурация сессияси бўлиб ўтди. 1994 йилдан эса Кенгаш Жаҳон божхона ташкилоти номини олди ва ҳозирда унга 178 та давлат аъзо ҳисобланади. Конвенциянинг 1952 йилдан кучга кирганлигини инобатга олсак, жорий йилда Жаҳон божхона ташкилоти (WCO) — ЖБТ ташкил этилганига расман 61 йил тўлди.

Божхона таомилларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисида халқаро конвенциянинг *(Киото конвенцияси)* 1999 йил июнда маъқулланган янги таҳрири ЖБТнинг энг муҳим ютуқларидан бирига айланди. Кенгаш томонидан 2005 йилда Хавфсизлик ва жаҳонда савдони енгиллаштиришнинг ҳадли стандартлари қабул қилиниши ҳам халқаро божхона ҳамжамияти фаолиятида муҳим янгилик бўлди.

Халқаро божхоначилар куни нафақат дунё давлатлари божхона хизматларининг ўзаро ҳамкорлигини намойиш этиш, балки иқтисодий ва ижтимоий тараққиётга эришишда божхонанинг муҳим иштирокига яна бир карра кенг жамоатчилик эътиборини жалб қилиш имконини беради. Мазкур санани дунёдаги 800 мингдан зиёд божхоначилари кенг нишонлайди. Улар орасида 4 мингдан ортиқ Ўзбекистон божхонаси ходимлари ҳам бор.

Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 28 июлдан буён Жаҳон божхона ташкилоти аъзоси ҳисобланади ва ташкилот ишида фаол иштирок этиб келяпти. Ўзбекистоннинг 1995 йилда Сиёсий комиссия аъзоси бўлиши, 2001 йилда эса Молия қўмитаси таркибига сайланиши мамлакатимизнинг халқаро божхона ҳамжамияти томонидан муносиб эътироф этилганидан далолат беради. Шунингдек, божхона соҳасидаги қонунчилигимиз ҳам умумқабул қилинган халқаро стандартлар, меъёрлар ва амалиёт билан бирхиллаштириш ҳамда уйғунлаштириш йўналишида сезиларли даражада такомиллашди.

Хусусан, 2012 йил 16 июлдаги Президентимизнинг "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига биноан, 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб статистика, молия, солиқ ва бошқа турдаги ҳисоботлар ва уларнинг даврийлиги қисқартирилиб, 80 та рухсат бериш тартиби ва 15 та фаолият турини лицензиялаш бекор қилинди. Шундан 14 таси ташқи иқтисодий алоқалар ва божхона соҳасига бевосита тааллуқлидир.

Муҳим янгиликлардан яна бири, Президентимизнинг 2012 йил 18 июлдаги "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони 5-бандига мувофиқ, тадбиркорлик субъектларига ўз ихтиёрига кўра, 2013 йил 1 январдан бошлаб товарларни божхонада электрон шаклда расмийлаштиришни амалга ошириш ҳуқуқини тақдим этиш белгиланди. Шу мақсадда, ушбу Фармон талабларидан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2012 йил 29 декабрдаги "Товарларни божхонада электрон шаклда расмийлаштириш тартиби тўғрисида"ги қарор қабул қилиниб, 2013 йил 1 январдан бошлаб амалиётга жорий қилинди.

Ҳозирги кунда ёшларимиз учун мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, балки юксак мақсад, эзгу истакка айланиб бормоқда. Қуролли Кучлар сафида хизмат қилаётган ёшларимиз Ватан ҳимояси йўлида доимо тайёр турадиган мард ва жасур инсонлар бўлиб камол топмоқда. Президентимиз ташаббуси билан бундан 10 йил олдин ташкил этилган Олий ҳарбий божхона институти фаолияти ҳам шу мақсадга йўналтирилган бўлиб, Ватанга, бурчга содиқ, юртимиз чегаралари, давлатимиз хавфсизлигини таъминлаш ва мамлакат иқтисодий манфаатларини муносиб ҳимоя қилишга қодир профессионал кадрлар тайёрлашга хизмат қилмоқда. Бугунги кунда ушбу даргоҳни битирган 800 дан ортиқ ёшлар божхона идораларида хизмат қилишаётир.

Ўтган 2012 йилда мамлакатимиз божхона тизимида самарали ишлар амалга оширилди. Хусусан, мазкур йилда давлат бюджетига ундирилган божхона тўловлари 2011 йилга нисбатан 44,6 фоизга кўпайишига эришилди. Юртимиз божхона постларида 341 мингдан ортиқ божхона юк декларациялари расмийлаштирилиб, уларнинг салкам 74 мингтасини экспорт божхона юк декларациялари ташкил этди. Бундай натижаларга тизимни тубдан ислоҳ қилиш, кадрлар салоҳиятидан унумли фойдаланиш, божхона назорати ва контрабандага қарши курашни кучайтириш, товарларнинг ҳақиқий миқдори ва қийматидан келиб чиқиб божхона тўловларини ундириш эвазига эришилди. Жумладан, ўтган йил давомида божхона органлари томонидан контрабанда ва божхона қонунчилигининг бузилишига оид 24 минг 179 та ҳолат аниқланиб, 107,6 млрд. сўмдан ортиқ қийматдаги ноқонуний товар-моддий бойликлар олиб қўйилди. Аниқланган ҳолатларнинг 877 таси бўйича жиноят иши қўзғатилиб, салкам 22 мингтасига маъмурий чоралар қўлланилди.

Божхона постларида 156,2 кг. гиёҳвандлик воситалари, 6,2 кг. порох, 42 та ўқ-отар қурол, 532 та патрон, 99,4 минг капсула ва 31 минг донадан ортиқ психотроп таблеткалар ушлаб қолинди. 181,5 минг литр ёнилғи-мойлаш материаллари, салкам 369 тонна рангли ва қора металлар, 121,3 минг литр спирт ва алкоголли маҳсулотлар, 270,2 тонна гўшт ва гўшт маҳсулотлари, 161,5 минг қути тамаки маҳсулотлари, 195,6 минг литр ўсимлик ёғи, 597 бош чорва молларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Божхоначиларнинг машаққатли ва шарафли меҳнати давлатимиз томонидан муносиб эътироф этиб келинмоқда. Жумладан, ўтган йилда соҳада ўрнак кўрсатган 8 нафар, жорий йилда эса 2 нафар божхона ходими давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлишди. Шунингдек, истиқлол йилларида 60 нафар ўзбекистонлик божхоначилар Жаҳон божхона ташкилотининг нуфузли "Хизмати учун" дипломи билан тақдирланишди. Бу эса республикамиз божхоначилари фаолияти нафақат мамлакатимизда, балки халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилаётганидан далолатдир.

**Ҳусен ТАНГРИЕВ,**
**Давлат божхона қўмитаси**
**Матбуот хизмати катта**
**инспектори.**

ФУТБОЛ



# МУНОСИБ РАҚИБ БЎЛИШ МАСЪУЛИЯТИ

**Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида "МДҲ Кубоги — 2013" баҳслари бўлиб ўтмоқда. Унда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳамда Болтиқбўйи давлатларидан ташриф буюрган 12 та терма жамоа, хусусан, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси (U-20) ҳам иштирок этмоқда.**

Маълумки, мамлакатимиз ёшлар терма жамоаси жорий йил Туркияда бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган. Шу боис, "МДҲ Кубоги — 2013" баҳсларида терма жамоамизнинг иштирок этишидан мақсад, аввало, Жаҳон чемпионатига пухта тайёргарлик кўриш бўлди. Аммо бу, турнирда қайд этиладиган натижалар аҳамиятсиз, деган хулосани келтириб чиқармайди. Зеро, ғолиблик руҳи футболчиларга баҳсдан-баҳсга, ҳар бир учрашувда қўлга киритилган ғалабалар орқали сингдириб борилади.

Мусобақа регламентига кўра, 12 жамоа 3 та гуруҳга бўлинди. Гуруҳларда дастлабки иккита ўрин ҳамда учинчи ўринлар орасида яхши натижани қайд этган иккита жамоа (жами 8 та) нимчорак финал баҳсларида иштирок этди. Нимчорак финал босқичида жуфтликлар жамоаларнинг гуруҳ баҳсларида қайд этган натижалари (жами тўпланган очко, голлар нисбати, ўзаро учрашув) бўйича тузилган жамоаларнинг рейтинги асосида аниқланди.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси гуруҳ баҳсларида қуръага кўра, "В" гуруҳида Россия, Қирғизистон ҳамда Қозоғистон ёшлар терма жамоаларига қарши баҳс олиб борди. Гуруҳ баҳсларида вакилларимиз мезбонлар ҳамда Қирғизистон ёшлар терма жамоаси вакиллари билан дуранг натижани қайд этишган бўлса, қозоғистонликлар устидан кичик ҳисобдаги ғалабага эришишга муваффақ бўлишди. Гуруҳ баҳсларида вакилларимиз 5 очко тўплаб, рейтингда бешинчи жамоа бўлишди ва унга кўра, нимчорак финал босқичида яна Россия термасига қарши тўп суришди. Ушбу учрашувнинг 30-дақиқасида мезбонлардан Д.Қаюмов ҳисобни очди. Голгача, ундан кейин ҳам вакилларимиз гол киритиш учун бир қанча қулай вазиятларга эга бўлишди. Яхши ҳужумлар ташкил қилишди. Катта иштиёқ билан тўп суришди. Аммо эҳтиёткорроқ тўп сурган мезбонлар барчасини бартараф этиб, сўнгги дақиқаларда ҳисобни яна биттага оширишди. Баҳс 2:0 ҳисобидаги мезбонлар ғалабаси билан якунланди.

Нимчорак финалда мағлуб бўлганимиз Россия термаси дастлабки баҳсда аранг 2:2 ҳисобидаги дуранг натижани сақлаб қола олган эди. Шундан келиб чиқиб, иккинчи учрашувдан ижобий натижани кутаётган эдик. Аммо...

Футболчилар катта иштиёқ билан тўп сурдилар. Барча имкониятларини ишга солдилар. Учрашувда мезбонлар ўз жарима майдончаси ичида қўл билан ўйнади. Учрашув ҳаками жарима зарбаси — пенальти белгилаши керак эди. Лекин мағлубиятимиз сабабчиси ҳакам деб айта оламизми? Россия ёшлари ҳамюртларимиздан бир ёшга катта эди. Бизнингча, асосийси, Россия ёшлар терма жамоаси бош мураббийи Николай Писарев биринчи ўйиндан тўғри хулоса чиқариб, шогирдларини айнан бизнинг жамоамизга қарши қатъий тактика асосида ўйинга тайёрлай олган экан. Россиялик футболчилар майдонда катта диққат-эътибор, эҳтиёткорлик билан, аниқ кўрсатмаларга риоя этиб ҳаракат қилди.

Аммо турнирда энг асосий ҳолат, яъни ютуғимиз нимада бўлди? Яхши ўйин кўникмаси. Яна: аввалари "вакилларимиз кучли рақибга муносиб қаршилик кўрсатди" дердик. Энди, аксинча, рақибларимиз бизга қарши муносиб ўйин кўрсатиш ҳақида ўйлашмоқда. Мазкур турнирда бу ҳолат яққолроқ кўринди. Биз ўз ўйинимизни намойиш этавердик. Рақиблар эса унга қарши тактика ишлаб чиқишга ҳаракат қилишди. Энди терма жамоамиз ўйинига эътибор кучайди, бизни яхшироқ ўрганмоқдалар. Терма жамоамизга қарши рақиблар жиддий тайёргарлик кўрадилар. Чунки биз муносиб рақибмиз. Бундан буён бу ҳолатни ҳисобга олиш керак. Бўлмаса панд еймиз. Ютуғимиз камчиликка айланади.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси кейинги учрашувни бугун Қозоғистон термасига қарши ўтказишади. Бешинчи ўрин учун кечадиган ушбу баҳс 13:00 да бошланади. Бешинчи ўрин футбол мухлисларимизни қониқтирмайди, албатта. Биз юқорироқ марраларни кўзлаб, ўрганиб қолдик. Бу ҳам ютуғимиз бўлар, асло камчилик эмас.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ**

○ Реклама ва эълонлар

*Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!*

## «ҒИЖДУВОН ҲОЖАИ ЖАҲОН» БУЮМ БОЗОРИ МЧЖ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**"Ғиждувон шаҳридаги Ю.Ҳамадоний кўчасида савдо мажмуаси қурилиши".**

Буюртмачининг бошланғич қиймати – **24 066 696 610 сўм (ҚҚС билан), 20 055 580 508 сўм (ҚҚСсиз).**

Қурилиш муддати – **18 ой.**

**Қурилиш ишлари** буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

**Танлов савдоси ташкилотчиси** – Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

**Буюртмачи:** "Ғиждувон Ҳожаи Жаҳон" буюм бозори МЧЖ.

**Манзили:** Ғиждувон шаҳри Ю.Ҳамадоний кўчаси 75-А-уй. Телефон: (8-365) 572-74-35 факс: 572-45-14.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси – **Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Бухоро шаҳри Навоий шоҳ кўчаси 5-уй 18-хона. Тел/факс: (8-365) 223-96-29, 223-97-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати – Юз минг сўм.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — офёрталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри Навоий шоҳ кўчаси 5-уй 18-хона.

АГРОМАШ

## «АГРОМАШХОЛДИНГ-ТАШКЕНТ» МЧЖ ХОРИЖИЙ КОРХОНАСИ

томонидан ғилдиракли универсал ҳайдов тракторларининг қуйидаги такомиллашган моделлари етказиб берилаётганлиги маълум қилинади:



двигатели газ асосида ишловчи
«Агромаш-85ТК» (85 от кучига эга);
двигатели дизель ёнилғисида ишловчи
«Агромаш-85ТК» (85 от кучига эга);
«Агромаш-60ТК» (60 от кучига эга).



Тошкент ш., Ниёзбек Йўли кўчаси, 1-уй. Тел.: + 998 71 120 96 00; Факс: +998 71 234 89 88;
E-mail: info@chetra-tashkent.ru Сайт: www.chetra-tashkent.ru

Утерянный план квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент Яккасарайский р-н ул. Бобура д. 67 корпус 7 кв-ра 6, выданный Яккасарайским БТИ на имя Эшанкуловой Наргизы Зиядкуловны, считать недействительным.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (12.04.2011 й., реестр № 0109696) рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Тахиров Комилжон Кабилджановичга (ИНН 601726921) тегишли Гувоҳнома (Патент) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный шаходатнома о 9-классном образовании И № 4036503, выданный в 2009 г. школой № 30 Хамзинского р-на г. Ташкента на имя Скемская Виктория Вячеславовна, считать недействительным.

Тошкент вил. Юқори Чирчиқ т. Суранкент ҚФЙ ҳудудидаги 33-ўрта таълим мактаби томонидан 21.06.1993 й.да Ким Надежда Владиславовна номига берилган № 280 660-рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "ROM-MIRBEK" (ИНН 206176870) сообщает об уменьшении размера уставного фонда с 297 107 742 сум до 3 200 000 сум. Претензии и требования принимаются в течение 30 дней.

Утерянный план квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент Мирабадский р-н ул. Т.Шевченко д. 22 кв-ра 5, выданный Мирабадским БТИ на имя Муминовой Гулмиры Бахадировны, считать недействительным.

Утерянный план квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент Чиланзар-26, 34, 19, выданный Учтепинским БТИ на имя Тураевой Гулсанам Худойназаровны, считать недействительным.

Тошкент вил. Юқори Чирчиқ т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан (25.04.2012 й., реестр № 3258/1) билан рўйхатдан ўтган "FARZONA-XONOBOD" ХК (СТИР 301545579) таъсисчининг 10.01.2013 й.даги № 1 сонли қарорига асосан тугатилади. Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади. Манзил: Юқори Чирчиқ т. Тинчлик ҚФЙ Баҳор кўч. Тел.: +99893 574-07-62.

Утерянные планы квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент Яккасарайский р-н ул. Фархадская д. 8 кв-ра 1, выданный БТИ Яккасарайского р-на и ГЛАВАПУ на имя Юсуповой Мухаббат Юлдашбаевны, считать недействительными.

**АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!**
**"Qishloq hayoti" газетасига 2013 йилнинг қолган даври учун обуна давом этмоқда.**

## «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**2013 йил 26 февраль куни соат 11:00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига ЖИБ Мингбулоқ тумани судининг 06.01.2012 йилдаги ажримига асосан Наманган тумани СИБ томонидан хатланган, Наманган тумани ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган: 1988 й. и/ч "М-2140" русумли, д/р 16 V 1619, бошланғич баҳоси 903 256 сўм бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.**

Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситаси билан жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни мазкур эълон матни чоп этилган санадан бошлаб ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9:00 дан 17:00 га қадар Вилоят давлат мулки бошқармаси биносининг 15-хонасида қабул қилинади ва савдо ўтказилишидан 1 (бир) кун аввал соат 11:00 да тўхтатилади. Аукцион савдоси Наманган шаҳар Банк кўчаси 9-уй 15-хонада ўтказилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган «Закалат пули тўғрисидаги келишув»га асосан автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги (ижро ҳужжатининг рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда) закалат пулини "Universal Auktsion Invest" МЧЖ Наманган филиалининг АТИБ «Ипотека банк» Наманган бўлими МФО: 00223, СТИР: 302083379, 20208000104932168005 ҳисобрақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларини топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. **Қўшимча маълумот олиш манзили:** 160100, Наманган шаҳри Банк кўчаси 9-уй 1-қават 15-хона. Тел/факс: (8369) 226-41-66, E-mail: 1nrs@mail.ru.

***Гувоҳнома: 004059***

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ГУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-56-25, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 728-09-78; ВИЛОЯТЛАР: Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 247-29-59; Жиззах – (+99890) 297-44-09; Навоий – (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона – (+99890) 278-95-87; Самарқанд – (+99891) 537-24-95; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

Реклама ва эълонлар — 236-58-83, 233-28-04.
Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи муҳаррир: Р.СУЯРОВ
Мусаҳҳиҳ: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: М.БОБОМУХАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-114, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 22.20
24660 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5